

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва юридик шахслар учун қаттик ва суюк майший
чикинди (М.Ч.)ларни олиб чириш бўйича хизмат кўрсатиш
002-сонли ШАРТНОМА

«18 01 2022 й

Риштон туман

Бундан буён матнда “Ижрочи” деб аталувчи низом асосида фаолият олиб борувчи Фарғона вилояти “ТОЗА ХУДУД” ДУК Риштон туман филиали раҳбари Д.Сулаймонов бир томондан ва бундан буён матнда “Буюртмачи” деб низом асосида фаолият олиб борувчи Риштон туман Ҳалқ таълими бўлими номидан раҳбар Ш. Мадаминов. иккинчи томондан, кўйидагилар тўғрисида шартнома туздилар:

1. Шартнома мазмуни

- 1.1. “Буюртмачи” каттик майший чиқиндилар (бундан буён ҚМЧ деб аталсин) ни топширади “Ижрочи” эса шартномада кўрсатилган хак эвасига “Буюртмачи” томонидан маҳсус белгиланган жойга йигилган ҚМЧ ларни ташиб чиришни ўз зиммасига олади, “Буюртмачи” эса кўрсатилган хизмат учун ўз вактида тўловларни тўлаб бериш шарт. 1.2. ҚМЧларнинг умумий хажми бир (оийга) йилига 1745 м3 80 270 000 (саксон миллион икки юз етмиш минг) суммани ташкил этади.

2. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

- 2.1 Ушбу шартномани имзолаш пайтидаги амалдаги нарх ҳар бир м3 ҚМЧ учун ҚҚС билан **46000** сўм.
2.2 Суюк майший чиқинди (СМЧ) шартномани имзолаш пайтидаги амалдаги нарх ҳар бир тоннаси учун ҚҚС билан 80 270 000 сўм.
2.3 Шартнома бўйича бир йиллик кўзда тутилган тўлов суммаси 80 270 000 (саксон миллион икки юз етмиш минг) сўмни ташкил этади.
2.4 Ҳисоб-китоб ҳисоб ракамига ўтказиб бериш йўли билан амалга оширилади. Шартноманинг 2.1-2.2-бандида кайд этилган маълумотлар тарафлар ўртасида ҳисоб-китоб учун асос ҳисобланади. Мазкур шартноманинг 1.1-1.2-бандида кўрсатилган ҳисоб-китоб шартноманинг 9.2-банди талабларига риоя этилган холда ўзгартирилиши мумкин.
2.5 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.11.2018 йил кунги ПҚ-5580-сонли Фармонига асосан, каттик майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун юридик шахислар ва якка тартибдаги чиқинди кутиларни ташиб кетишини ўз вактида олиб чириш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузиладиган тадбиркорлар томонидан тўлов истеъмолчилари ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларга 100 фоиз олдиндан тўлаш асосида амалга ошади.

3. “Буюртмачи” мажбуриятлари

- 3.1 Каттик майший чиқиндиларни йигилиш хажми ва олиб чириш муддати соат 08:00 дан 17:00 гача чиқиндилар йигиш кутиларига олиб чириб ташлаш белгиланган.
3.2 ҚМЧ ташланадиган кутиларни курилиш ва йирик хажмдаги чиқиндилар ва шох-шаббалар билан тўлдирмаслик, аксинча, уларни маҳсус жойга йигиш хамда бу чиқиндиларни ташиб кетиши учун алоҳида хак эвасига бир маротабалик шартнома тузиш.
3.3 Чиқинди саклаш кутилари жойлашган майдончалар ва чиқинди тўплаш курлмаларига автомашиналарнинг эркин якинлашишини ва чиқинди кутиларини доимо соз холатда саклашни таъминлаш.
3.4 ҚМЧни ўз вактида олиб чиришини доимий назорат килиш, тасдикланган йўналиш жадвали бузилган холларда 90 563 81 45 телефонига телефонограмма йўллаш орқали “Ижрочи” маълумот бериш.
3.5 Бажарилган ишнинг хажмини “Ижрочи” нинг хужжатларида “Буюртмачи” вакилининг имзоси ва корхона мухри билан тасдиклаб бориш.

4. “Ижрочи”нинг мажбуриятлари

- 4.1. Шартномада кўрсатилган ҚМЧ ташланадиган маҳсус манзилдан чиқиндиларни маҳсус автомашиналарда жадвал асосида олиб чириб кетишини таъминлаш.
4.2. “Буюртмачи”нинг буюртмасига асосан кўшимча тўлов ҳисобига курилиш ва йирик хажмдаги чиқиндиларни, шох-шаббаларни олиб чириб кетиши учун транспорт ажратиш.
4.3. Хар ой бошига ўтган ҳисобот ой учун шартнома асосида “Буюртмани” ҳисоб ракамга тўлов талабномасини юбориш.
4.4. “Буюртмачи” томонидан ҚМЧни ўз вактида олиб чириб кетилмагани тўғрисида маълумот келиб тушгандан сўнг 1 кун муддат ичida кўрсатилган манзилдан чиқиндиларни олиб чириб кетиши.
4.5. Бириктирилган йўналишларда санитар тозалик назоратини олиб бориш.

5. Томонларнинг жавобгарликлари

- 5.1 “Буюртмачи” томонидан кўрсатилган муддатдан кечиктирилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,4% микдорда, лекин кечиктирилган тўловнинг 50%дан ошмаган микдорда “Ижрочи”га пена тўлайди. Агар “Ижрочи” ушбу хабарномадан сўнг ўз вакилини далолатнома тузиш учун юбормаса, ёки 24 соат ичida ҚМЧ олиб чирилмаса, “Буюртмачи” жамоатчилик иштирокида далолатнома тузади ва ушбу далолатнома айбордога нисбатан шартномада кўрсатилган жазо турларини кўллаш учун асос ҳисобланади.

- 5.2. “Ижрочи” ўз вактида ҚМЧ олиб чириб кетмаганлиги учун икки томон вакиллари томонидан имзоланган далолатнома асосида ҳар бир кун учун олиб чириб кетмаган ҚМЧ хажми қийматидан 0,4% микдорида, лекин умумий сумма бажарилмаган иш суммасининг 50%дан ошмаган микдорда “Буюртмачи”га пения тўлайди.

5.3. Жарима ва пеня тўлаш томонларни шартнома шартларини бажаришдан озод этмайди.

5.4 Ушбу шартномада кўрсатилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Конуни ва бошка хужжатлар билан белгиланади.

6. Шартнома муддати

6.1 Мазкур шартнома «18». «01». «2022» йилдан бошланиб, «31». «12» «2022» йилда тамомланади.

7. Низоларни хал этиш тартиби

7.1 Мазкур шартнома юзасидан низолар ва келишмовчиликлар тарафларнинг ўзаро келишуви билан бартараф этилади.

7.2 Тарафлар томонидан конун хужжатларида белгиланган судгача келишмовчиликларни хал этиш чоралари (талабнома юбориш ва x.3) кўрилгунга қарамай низо ўзаро хал этилмаганди, конун хужжатларида белгиланган тартибда низони хал этиш учун тегишли тартибда Фарғона вилоят Иктисадий судига мурожаат этилади.

8. Форс-мажор холатлар

8.1 Тарафлар ўз ихтиёrlарига қарамай юзага келиши мумкин бўлган сабаблар ёхуд холатлар (шу жумладан зилзила, сув тошкени, уриш холати тарафларнинг ихтиёрига боғлик бўлмаган бошка табиий оғатлар) хамда Хукуматнинг норматив-хукукий хужжати қабул қилиниб, шартномавий мажбуриятларни бажарилишига тўскинилик қилишига олиб келганди, бу холатлардан хабардор бўлган ёки бўлиши лозим бўлган тараф икки хафта олдин бошка тарафга ёзма равишда маълум килган холдагина ушбу холатлар форс-мажор холати хисобланниб, ушбу холатда тарафлар мажбуриятларни бажара олмаганлиги учун жавобгар бўлмайдилар.

9. Шартномани бекор қилиш, ўзгартериш ёки қўшимча киритиш тартиби

9.1 Амалдаги шартнома муддатидан олдин қўйдаги холатларда бекор қилиниши мумкин.

9.2 Мазкур шартномага хар кандай ўзгартериш ва қўшимча киритиш ёки шартномани муддатидан илгари бекор қилиш ушбу ҳақдаги таклифлар ёзма равишда амалга оширилиб, ваколатли шахслар томонидан имзолангандан сўнгина ҳақиқий деб топилиб, ушбу илова шартноманинг ажралмас кисми хисобланади.

9.3 Ушбу шартнома икки нусхада бўлиб, хар бири юридик кучга эгадир. Шартнома бир донадан хар бир тарафда сакланади.

10. Тарафларнинг манзиллари ва реквизитлари

“Ижрочи”

“ТОЗА ҲУДУД” ДУК Риштон туман филиал
Манзил: Риштон туман Даҳбет МФЙ
Топволдиев к/с № 43

“Буюртмачи”

Риштон туман Халк таълими булимии
Манзил: Ал Рошидоний 14 ўй

X/p: 22604000900782008058
МФО:00544 ИНН: 304906649

X/p: * 100022860302247092100075076
МФО: _____ ХХТУТ: _____ СТИР: 200181783

Ғазначилик номи Молиявазирлиги Газначилиги

Газна х/в 23402000300100001010

Банкнинг номи Тошкент Марказий банк XKKM

МФО 00014

Ғазначилик СТИРи 201122919

Банк номи: “Ипотека банк” А ТИБ
Фарғона шаҳар филиали

Рахбар:

Д.Сулаймонов

Рахбар (бюджет ташк)
(лавозим)

Мадаминов. Ш.
(Ф.И.Ш.)

Юридик хулоса

Тузилаётган шартнома лойихасини хукукий экспертизасини «Хўжалик юритувчи обеъклар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Конуннинг 10,20,21-моддаларига биноан хукукий экспертизадан ўтказилди. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 353-354, 357-366-моддаларига мос келади.

Шартнома предмети, хисоб-китоб тартиби, томонларнинг мажбуриятлари, жавобгарлиги ва низоларни хал этиш тартиби ва бошка зарур шартлар белгиланган. Шартнома реквизитлаи тўлиқ тўлдирилган. Шартномадаги тарафлар номидан шартномани имзоловчилар ваколатлари ўрганилиб, шартнома тузишга ваколатлилиги аникланди. Мазкур шартнома лойихасини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатларига амал қилган холда тузилди ва бу шартнома бўйича тарафлар ўзаро хўжалик алоқаларини йўлга қўйиб манфаатли хамкорликни йўлга қўйишлари мумкин.

Хулоса сифатида шартномани имзолаш мумкинлиги аникланди.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA**
HUQUQIY HULOSA
№ GJ 5344283870

1. Loyihaning turi: Shartnoma №

2. Loyhaning nomi:

«Buyurtmachi» Rishton Xalq ta’lim bulimi raxbari Sh.Madaminov birinchi tomondan, ijrochi «TOZA XUDUD» DUK raxbari D.Sulaymonovlar 2022 yil davomida muassasa uchun qattiq va suyuq maishiy chiqindilarni olib chiqib ketish bo‘yicha xizmat ko’rsatish yuzasidan shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot:

Rishton tuman XTB tomonidan ishlab chiqilgan va
2022 yil 06-yanvar kuni “E-huquqshunos” elektron tizimi orqali huquqiy
ekspertizaga taqdim qilingan

4. Loyiha bo‘yicha taklif:

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o‘tkazish natijalariga ko‘ra

HULOSA:

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan hamda uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuristkonsulti



M.Umarov